




Аллергия ҳақида

Аллергия (грекчадан. Ёт жисмга реакция) – организмдаги маълум бир моддаларга ёки ташки муҳитдаги аллергенларга юкори сезгирликдир. Ўтган 20 йил ичида, аллергия тарқалиши икки баробарга ошди. Бу ҳолат жуда куп факторлар билан боглик: Экологик муҳит ёмонлашуви, турмуш тарзи ва овкатланиш тартибининг узгариши, янги аллергенлар пайдо булиши, стресс, меҳнат шароитлари ва ҳоказо

Аллергия – касаллик эмас, балки асосида умумий патологик жараён ётадиган турли касалликлар гурухидир. Аллергия келиб чикишида асосида инсон иммун тизими туради. Бу иммун тизими организмни зарарли ва ёт унсурлардан химоя килади. Иммун тизим таъсир қилиш механизми жуда мураккаб булиб, асосида, инсон қони таркибидаги зарарли моддаларни зарасизлантириш учун антителолар ишлаб чиқарилиши ётади.

Аллергияда организм химояси –иммун тизим-ўзини химоя қилишнинг нормал чегараларидан чиқиб кетади. Иммун тизим зарасиз моддаларни ҳам организм учун хавфли ҳисоблаб, хохлаган моддаларга нисбатан химоялана бошлайди. Иммун системанинг ташқи муҳит таъсирларига (гиперсезувчанлик) мана шунақа агрессив жавоб қайтариши аллергия дейилади, организмнинг шунақа ноадекват жавоб қайтаришини чақирувчи антигенлар эса аллергенлар деб аталади.



Аллергияни намоён булиши

Аллергия инсонни қайси аъзоси купроқ зарарланганига қараб, ҳар хил кўринишда намоён булади. (баъзан аллергия реакциялар қўшилиб келади) Кўзни аллергия зарарланиши-аллергия конъюнктивит, бурун шиллиқ пардаси аллергия зарарланиши-аллергия тумов (ринит), бронхлар аллергия зарарланиши-бронхиал астма, терини аллергия зарарланиши-аллергия дерматит (Эшак еми)



Аллергияга қарши кураш

Аллергияни намоён булиши инсон ҳаётини анча қийинлаштиради. Шу учун аллергия борлигига шубҳа қилинганда атроф муҳитни, булиши мумкин бўлган алергенларни, белгилар юзага келиш вақти ва давомийлигини, яна белгиларни ҳаёт сифатига таъсирини аниқлаб, оилавий шифокор ёки алерголог билан маслаҳат қилинади.

Манба: <https://fenkarol.com > allergies > allergiya-aida-165>

2019-10-16 09:46:01